Эскидан «акл ёшда эмас, бошда» деган оталар сўзи юрадир. Янги ижтимоий эхтиёжлар такозасиданмидир, надандир, бу кунги Туркия жумхурият хукумати янги бир макол ўртага отмишдир. Уда «Асрийлик каллада эмас, кулохдадир!» Эски маколнинг тўгрилигини кундалик хаётимиз билан исбот килинмокда бўлса хам, ажабо Туркия хукумати бу казияси учун кандай далил ва исбот кўрсата оладир? Вокеан Туркия хукумати ўзининг бу ташаббусига турли далиллар келтирадир. Аввалан, овруполарнинг тахкиридан кутулиши учун уларнинг пўстига буруниши кераклиги, иккинчи, мамлакатнинг асрий бир хаётга кириши учун овруполикнинг кабули!
Бу масалалар, умуман шарк ва хусусан ислом дунёси учун энг эски масалалардандир. Шарк иктисодий жихатдан тубанлашиб Оврупо сарватининг кўлида кола бошлагон замонлардан бери бу икки масала чикгон ва уларни хал этишга эхтиёж сезилган эди. Овруполилар бир мамлакатни истило килар-килмас икки жабхали бир вазият тугуладир. Бир ёкдан овруполи ўзининг иркининг «нажиблигига» таяниб мустамлака бўлиш жихатидан маглуб ва шунинг учунда «зарил» халкларни тубан кўра бошлайдир. Бу караш аввало шундан бошланадирким, у истилочи бойдир, булар камбагал! Бой билан камбагалнинг бир-бирови билан муносабат ва муомаласи маълум.
Иккинчидан, улар голиблардирлар, булар маглуб!
Шарклиларда эса голибларнинг талашлари, жабр ва зулмларига карши бир душманлик тугулгони каби, уларнинг карашларига карши бошка чоралар бўлмагонидан яхши кўрунмак ва яранмок хислари пайдо бўладир. Овруполиларнинг галабаси ортган сари нафратида ортадир, чунки бир ёкдан мамлукининг камбагаллана тушганидан «хўжаси»га «такдим» килиб, эвазига «мархамат» кутатургон «матои» камаядир. Иккинчи ёкдан бу маглубнинг бор ва йўкини берса хам, «мархамат» кутиб юмрук (мушт маъносида — Б.К.) кўрганидан душманлиги ортадир. Бу хол кундан-кун ортадир, сира тўхтамайдир. Окибат кўринадирки, вазият икки ёкдан ўзгармакда бўлса хам, бирисининг фойдасига, иккинчисининг зарарига ўзгарадир, фойда кўрган томон табиий ўларок каккая (гердайиш маъносида — Б.К.) борадир, маглуб тараф эса бунга бир чора ахтара бошлайдир. Аввал исён килмок бошига келадир ва исён хам киладир, лекин оч колгонини ва очлик оркасида «ўлум»нинг келганини кўруб кўркадир, яна итоатга бошлайдир. «Итоат» учун эса «чидам-сабр» керак бўладир, холбуки устидаги огир юкка карши кўюлатургон «токат» бўлмагонидан ва исён билан хам иш чикмогонидан яна бошка чоралар излай бошлайдир.
Умуман шарк, хусусан бу кунги Туркия мана шу вазиятдадир. Хиндда, Чинда, Эронда, Арабистонда хам шундайдир. Хиндистон ўзининг фирка низолари билан бу вазиятни очик кўрсатадир. Бир ёкдан тараккийпарвар, либерал, овруполи ахмок истаганлар йиллардан бери тиришадирлар ва ўзининг хўжаларига карши вазиятларини яхширтмок истайдилар.
Инглизлар эса - хар канча орий иркни мактасалар хам, хиндларга келганда мактовлар токчада коладир ва вахшият кундан-кун ортадир. Хукуксизлик кун сайин каттиг бир тус оладир.
Чиндаги капиталисун масалалари, ажнабийларнинг ерларига караганда айри хукукка молик бўлишлари, бу кунги Чин бухронлари буларнинг шохидидир.
Оврупонинг иктисодиёти оркасида вужудга келган шаркдаги бу ижтимоий харакатлар турлича жараёнлар тугдирадир.

Хиндистон ўзининг Ганди ва Тогурлари билан иктисодиятда бўлгони каби барча ижтимоий муассасаларда, фалсафада, ахлоктса, одатда — овруполиларга карши тушадир.
Ганди ва Тогурларча Оврупонинг дини-да бузук, дунёси-да! На унинг фалсафаси хакикатга етадир, на ахлоки саодатга эришдирадир.
Оврупо бир «машина»дир ва унинг темир, кора чамбараклари, панжалари «инсонлик» виждонининг энг имонсиз душманидир. Шунинг учун ундан хазар этмак, кочмок лозимдир. Шунинг учундирки Тогур ўзининг «хофизона» ва «бедилона»— хайёмона эмас! — назм ва наср-ла шаркнинг кадим рухини куйлай бошлайдир. Ганди, Оврунонинг мол ва матога карши кўблашиб куйдириш ва шахар корхоналарини ташлаб кишлокларга чекинишлари билан бирга ўзининг юриш-туриши билан эски «будда»лик ва «барахман»ликини бошлайдир.
Эронда, хатто, Эроннинг исломларида хам — эски зардуштликка томон жидтсий майл борлиги букун кўзга урулмокдадир. Туркияда хам бу кадимга берилиш жараёни йўк эмасдир. Баъзи парчалари-ла Яхё Камол, насрлари-ла Ёкуб Кодирийлар бу мактабнинг бошликларидан саналсалар мумкиндир. Лекин бу кунги Туркия жумхурият хукумати бу жараёнга карши юкорида кўрсатганимизча тамом маъноси-ла овруполик жараёни тарафдоридир. Факат том маъноси-ла эмас, кўркокча бир овруполик тарафдоридир.
Чунки: Оврупонинг фалсафа ва фанини кабул килар экан кўркоклиги бўлмаса, Оврупо илм ва фанининг чикаргон сўсиёлизм ва унинг тўнгич ўгли бўлгон коммунизмга карши бу кадар каттик харакат нечундир. Вокеан бу бир тарафдан майда буржуазиянинг манфаат такозоси каби иЗох этилса хам унинг асосида ўшал кўркоклик турмайдирми?
«Илм ва фан»нинг хакикатларига карши манфаат кўркоклиги! Мантикан карангиз! Салла ўрнида шапка кийилса овруполашгон бўлур эканлар ва овруполиларнинг тахкиридан кутулур эканлар. Бу кўркоклик эмас, кулунч бир маймунликдир. Бу акл ва мантикингиз билан кишдан кандай чикдингиз, ўртоклар?
Бу кўрсатадирки: аввало Туркия жумхурият хукумати ижтимоий масалаларни изох килиш йўлини англамайдир ва ижтимоий тазхуротга ахамият бермайдир.
Иккинчидан, мамлакатнинг иктисодий манофеини асло кўз олдига келтирмайдир. Унга ёлгиз овруполиларга ёронмок лозимдир.
Овруполиларнинг бу кунги шапкалари буйрук остида тугулмагон каби, мусулмон ва шарклиларнинг кийимларида хеч бир хон ва авлиёнинг талкини билан бўлмагондир. Бу бир ижтимоий муассасадирки, мухит ва замон таъсири остида тугуладир ва яшайдир.
Сўнгра овруполининг салла ўрагони билан мусулмон бўлмагони канча аник бўлса бир шарклининг шапка кийиши билан америкалича тушуна олмаслиги ва ўзининг айри хусусиятларини доимо саклайтургонлиги бадихдир. Ёронмок - хуш кўринмок масалаларига келганда хам хол айнидир. Модомики, Туркия ва шарк, Оврупо ва Амрико сарватдорларининг манфаатларига карши курашадир ва уларнинг жигарига сукулган панжаларини арралайдир, юз оут таккан билан, минг карра калисога кирган билан, худони уч эмас, ўн мингта демак билан хам ёронмайди, суюлмайдир.
Кандайки бугунги Оврупо ва Амриконинг ишчиси шапкаси, дини ва одатлари билан бир рангда бўлса хам яна уларнинг ўгай ўглидир.
Бу хакикатлар кўз оддида экан, бу харакатлар ижтимоий хаётни англамаслик эмасда надур? Юкорида кўрсатилган каби манфаати бўлмагон ташаббус ва харакатнинг айри бир иктисодий зарари бордир.
Туркия икки-уч асрлик капиталисун вазияти ва ярим асрлик узулмай келган урушлар

билан талангон ва йикилгон вайронадан бошка бир нарса эмасдир. Иктисодий жихатдан тузатиш учун хали энг ками чорак асрча бир муддат тинч туриши керак бўлгон бир мамлакат учун — айникса, Туркия каби майда хунар мамлакати учун — бир кийимни ўзгартиришнинг мажбурий бўлиши озми зарар берадир.

12—15 милйўнлик фабрикаси бўлмагон бир мамлакатнинг «кийимлик»ларини тайёрламок учун канча одам машгул бўлгон бўлур ва тушунмаган бир буйрук ижроси билан канча киши ишсиз коладир, бир ўйлаш керак эмасмидир?

Бунинг устига бир оз шахсий хурриятни хам илова килайлик, бу бир бугов ва занжир бўлмай—нима бўла олур?

Техронда чикатургон «Оянда» журналида хам Эрон хукуматига мамлакат ислохати учун килингон таклифлар орасида Эрон миллатининг бир фўрмада бўлиши таклифи киргизиладир. Буда туркиялилар каби тушунишдан келгандир.

Маколамизнинг охирида шуни айтиб ўтайликки: Шўровий ўлкаларда — душманларнинг бутун норозиликларига рагман — бир хол кўрсатадирки, уда ижтимоий хаётнинг сирларини англашга кўшнилардан кўра жиддийрок ва чукуррок ўйлашдир. Бир тантанали суратда жахонга эълон этмак билан фахр этмак мумкиндир.

Шўро хукуматида энг асосли ижтимоий масалалар ислохи учун киришиладир. Кундалик ёримчик - ахамиятсиз, майда-чуйдалардан умр зое килинмайдир.

«Кийим-кечак» деб юришдан кўра кишлок хўжалигини яхширтиш, мактаблар очиш масалалари мавзуи бахс этиладир. Чунки дехконнинг киссасига пул кирса, бойиса, ўкиш-ёзишни ўрганса, маданий хаётга ёклаш ўз-ўзидан кийими тозаланадир, ўзгарадир. Уйларда теразалар куруладир.

Диний масапаларда хам шундайдир. Шўро идорасида динларга хам том маъносида хурлик бершшб, Туркияда бўлгони каби хонакохларни ёпмай, диннинг асосий хурофатига карши илмий, тарбиявий курашлар олиб бориладир.

Кўшниларимиз бу харакатларни биздан ибрат олсалар, тилакларига яна тезрак етар эдилар.

---

«Каллами, кулохми?» Туркия ижтимоий хаётидаги вокеликка багишланган бу макола «Маориф ва ўкитгувчи» журналининг 1925 йил 10-сонида босилган.